

фалсафий ғоя

Категория: Миллий ғоя ва мафкура – Ғоя турлари;

Муаллиф: Рўзимуродов С Айматов А

Фалсафий ғояларда инсон оламни, ўзини, руҳни, оламдаги нарса ва воқеаларни, жараён ва алоқаларни энг умумий ва кенг доирада, теран ва бир бутун холда тушуниб олишга интилади. Масалан, қадим замонлардан бери, файласуфлар оламнинг катта-кичиклиги, у қачон ва нимадан келиб чиққанлиги, одамнинг моҳияти ва шу каби бошқа муҳим муаммолар тўғрисида минглаб ғоялар билдирганлар.

Фалсафий ғоялар тўғрисидаги фикрларимизни қуйидаги фалсафий фикр билан бошлаймиз: «Ўқишдан тўхтаган одам фикрлашдан тўхтади». Ҳа, инсон юксакликка эришиш учун нафақат тинимсиз ўқиши зарур, шу билан бирга, у ўтмишда яратилган барча фалсафий фикрларни ўзлаштириб олиши шарт. Фалсафа тарихида шундай ғоялар борки, улар фалсафанинг негизини ташкил қилиб, унинг нуфузини сақлаб жозибадорлигини янада ошириб боради. Масалан, «Авесто»да оламдаги қарама-қаршиликлар қандай тўғри ҳал қилиниши кераклиги тўғрисидаги ғоялар, Конфуцийнинг жамиятни бошқариш, Сукротнинг инсоннинг ўзлиги ва Афлотуннинг гўзаллик ва билимнинг моҳияти тўғрисидаги ғоялари, Зеноннинг апориялари, Евбулиднинг парадокси, Форобий ва Алишер Навоийнинг комил инсон тўғрисидаги фикрлари, И.Кантнинг антиномиялари ва Гегелнинг диалектикага доир қарашлари шундай ғоялар силсиласини ташкил қилади.

«Авесто»да Зардуштнинг кейинчалик улуғ юнон файласуфи Гераклит сўзлари деб қаралувчи, диалектик фалсафанинг асосини ўзида мужассам этган машҳур ҳулосасини ўқиймиз: “Зардушт: Олов – энг олий қудрат: у барча нарсани ўз ичига олади ва барча нарсага инади. У доимий ёниш билангина яшайди ва барча-барча нарсада фақат олов ёнади. Инсон ҳамма на шуолий қудрат билан яшайди. Унинг иродаси ва ақлиана шу улуғ осмоний оловнинг намоён бўлишидир. Бу олов осмонда, осмон орқали ва осмондан келиб чиқувчи сифатида амал қилади... Бутун мамлакат бўйлаб Аҳура Мазда ва худолар юксалдилар. Дин ҳам, мажусийлар ҳам бутун мамлакат бўйича мутлақ ғолиб бўлдилар. ...Ва Аҳриман ҳам, девлар ҳам қаттиқ зарба едилар ва азоб-уқубатларга дучор бўлдилар. Аҳриман ва девлар эътиқоддилар юртидан соқит бўлди ва қувилди. Зиндиклар ҳам мағлуб бўлдилар, улар талпинтирувчи худоларнинг тасвирлари вайрон этилди. Девларнинг қароргоҳлари ҳам маҳв бўлди... Кўплаб оташқада-дахмалар қурилди. ...Мен бу ерда ўғитларимизга содиқ бўлган яккаю-ягона Спитамидага Зардушт дуч келдим. Агар биз унга илохий нутқато қилсак, у бизни шарафлайди. Мен сизларга ҳозирнинг ўзидаёқ иноятлар келтиргувчи Эзгулик подшолигини вужудга келтирмоқчиман.. Ва сурайманки: Ақлли чорвадор, агар у ўзхулқ-атворидаинсофли ва тавозеъли бўлса, бой чорвага эга бўладими? ... Яйловларда чорвани тўйдириш, қутли-қўрли чорвани эгаллашни хоҳловчи унга қандай эга бўлади? ... Бу ашёлар дунёсида ҳамма нарсани кўрувчи (Аҳура Мазда) чорвадорлар қавмида эзгу ният билан яшовчиларнинг меҳнатига мукофот сифатида эзгу ният қилади... Инсонларни ҳам тўхтовсиз кўпайтириш керак, чорвани ҳам. Чорвадорларни тўйдириш учун чорвани парвариш қилиш қарор топаверсин ва ўсимликлар ҳамда майсалар ҳам гуркираб ўсаверсин. ... Чорвадор эзгу ният учун интилувчидир... Ёвуз чорвадор эзгу инсонлар устидан зўрлик қилмасдан тирикчилик қилолмайдиган кишидир. Кимки чорва учун астойдил қайғурса, Арти Ваҳишта ва Ваху Ману тоғларига (яъни, жаннат тоғлари– муал.) муяссар бўлади...”

Ҳозирги кунда, ёшларимизнинг онги ва қалбига умуминсоний фалсафий ва бошқа таълимотларга асосланган миллий истикдол ғоясини сингдириш ўта долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Фалсафий ғоялархар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилиқ жамиятининг тараққиёти мобайнида тўплаган билимларини умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмуни, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуфлари турли хил ғоялар яратганлар. Аммо жаҳон фалсафий тафаккури ривожига беқиёс ҳисса қўшган ўзбек мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслиқ мумкин эмас.

Фаробийнинг фозил шаҳар тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ муносабатига оид, Алишер Навоийнинг адолат ва инсонийлиқ борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунаси.

ИЛМИЙ ҒОЯ

Категория: Миллий ғоя ва мафкура – Ғоя турлари;

Муаллиф: Рўзимуродов С Айматов А

Инсон тафаккурининг маҳсули сифатида ғоя миллий-маданий меросни, умуминсоний кадрятларни, ижтимоий-маънавий ҳаётни, тевақоқ оламни ўрганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари: илм-фан, фалсафа, дин, сиёсат, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ ва ҳуқуқ муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Профессор С.Мамашакировнинг фикрича, ғояларни шаклий, мазмуний, социал-этник, қўлабий ва бошқа тамойиллар асосида қуйидагича туркумлаштириш мумкин:

-фан ғоялари (табиий-илмий ёки ижтимоий-гуманитар, асосланган ёки гипотетик, ҳақиқий ёки янглиш, нисбий ёки мутлақ ва ҳоказо);

-диний ғоялар (ваҳий ёки ваҳий бўлмаган, политеистик ёки монотеистик каби);

-фалсафий ғоялар (идеалистик ёки материалистик, теистик ёки атеистик, монистик ёки дуалистик, плюралистик каби);

-бадиий-нафосат ғоялари (ғўзаллиқ ёки хунуқлиқ, улугворлиқ ёки тубанлиқ, фожиавийлиқ ёки кулгилиқ каби);

-ахлоқий ғоялар (эзгулиқ ёки ёвузлиқ, яхшилиқ ёки ёмонлиқ каби);

-ҳуқуқий ғоялар (ҳақлиқ ёки ноҳақлиқ, тенглиқ ёки тенгсизлиқ каби);

-социал-сиёсий ғоялар (гурухий, табақавий, синфий, партиявий, миллий, умуминсоний каби);

-маҳаллий, минтақавий, умумбашарий ва бошқа ғоялар^[1]

Илмий ғоялар – фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устивор қоидаларини ташкил қиладиган илмий фикрлардир.

Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиз бўлиб, бу жараёнда амалиётда тасдиқланмаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади. Қадимга юнон файласуфлари Левкип ва Демокрит жисмларнинг энг кичик бўлинмайдиган зарраси сифатида “атом” тушунчасини киритган эди. Птолемей ва Аристотел, Улуғбек астрономиясигача дунёнинг маркази ер деб ҳисоблаб келганлар. Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз даврининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди.

Бугунги илм-фан тараққиёти атомнинг майда заррачаларга бўлинишини, коинот маркази ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб кашфиётлар яратилди.

Ғоя категориясини фанда уч хил талқини бор. 1. талқин: турли фалсафий тизимларда кенг қўлланиладиган тушунчалардан бири. Ғоянинг мазмуни, келиб чиқиши, унинг воқеликка мос келиш ёки келмаслиги масаласи доимий баҳс мунозара объектига айланган. Ғоя тушунчаси аксарият фалсафий тизимларда руҳ ривожланишининг юксак тараққий қилган шаклига нисбатан ишлатилган. Хусусан, уни предметларнинг инъикоси натижасида шаклланган ҳиссий образ, объектив воқеликнинг субъектив инъикоси деб талқин қилиш мавжуд. Масалан Гегелда ғоя ҳамма нарсани мазмуни ва яратувчисидир. У ўз мантиқий ривожи давомида объектив, субъектив ва абсолют босқичларни босиб ўтади.

Ғоя Платон фалсафасини марказий категорияларидан бири эди. Унда ғоя ҳақиқий оламнинг трансцендент дунёсини ифдалайди. Шундай қилиб антик даврдан Уйғониш давригача Ғоя онтологик, янги даврдан эса инсоннинг оламини билишига хизмат қилувчи шакллари билан бири сифатида гносеологик талқин қилинган. Бундай баҳс-мунозара рационализм ва эмперизм ўртасидаги курашда ҳам намоён бўлди. XX аср фалсафасига келиб ғоянинг юқоридагидек талқинлари барҳам топиб, у асосан илмий билиш шакли, тушунчасининг синоними сифатида кенг қўлланила бошлади. Ғоя гносеология нуқтаи назаридан баҳоланар экан, қўйидаги маъноларни англатади:

биринчидан инсон онгининг ижодий, конструктив ва таркибий қисми сифатида;

иккинчидан, ташқи оламнинг субъект онгида акс этадиган образли инъикоси ва акси сифатида;

учинчидан, инсоннинг жамият ва табиатдаги воқеа ва ходисаларни англаш шакли сифатида;

тўртинчидан, инсон онгининг ташқи олам ва ҳаёт ходисаларига нисбатан акс таъсирининг намоён бўлиши сифатида;

бешинчидан, ғоя олдин мавжуд бўлмаган, ўзида янгиликни ташувчи фикр сифатида.

2-талқин: Ғоя-илмий билишни ўзига хос шакли. Ғоя илмий далил, муаммо, фараз, назария каби воқеликни акс эттириш шакллари билан бири. Ғояда шу воқелик бундан кейин қай йўналишда ўрганилиши зарурлиги ҳақидаги кўрсатма ботиний тарзда мавжуд бўлади. Шундан бошлаб у йўналтирувчанлик хусусиятга эга бўлади. Масалан: атомларни мавжудлиги, атомларни бўлиниши, оламини асосини топиш, субстанцияни моҳиятини билишга бўлган ҳаракат...

Ғоя тараққиёт омилига айланиши учун маълум бир шарт-шароит-жамиятнинг умумий билим даражаси юзага келган, янги билимни қабул қилишга тайёр бўлиши, уни текшириб

кўриш, тасдиқлаш ёки инкор этиш имконияти, қуроллари, воситалар, моддий-молиявий ресурсларга эга бўлиши лозим. Акс ҳолда у маълум маданий-маърифий ҳодиса сифатида қолиб кетади. Бунининг “Ғарбий ярим шарда қуруқлик бор” деган ғояси шундай бўлди. Жамиятни қабул қилиш даражаси тайёр эмаслиги шу аҳволга олиб келди.

3- талқин: Кенг маънода олдин мавжуд бўлмаган, ўзида янгиликни ташувчи фикр. Бу ҳал қилиниши зарур бўлган масалани ечишга интилиш натижасида пайдо бўлган яхлит ҳулоса – фикр. Бундай ҳолат “Менда бир ғоя пайдо бўлди” деган фикрда ёрқин ифодасини топади.

Ҳар қандай ғоя ижтимоий аҳамият касб этиб, одатда муайян ғоялар, алоҳида олинган шахслар онгида пайдо бўлади. Маълум бир муддатдан кейин эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элатлар ва миллатлар орасида ёйилади, янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади. Муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб қилади. Ғоялар миллий-маданий меросни, умуминсоний қадриятларни, ижтимоий-маънавий ҳаётни, теварак оламни ўрганиш, билиш жараёнида дунёга келади. Ижтимоий оннинг барча шакллари илм-фан, фалсафа, дин, санъат ва адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ-муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради.

Илмий ғоялар асосан табиат, жамият ва инсон тафаккури қонунлари, табиий ва ижтимоий жараёнлар, нарсаларнинг муҳим хосса ва хусусиятлари, мазмуни ва моҳияти тўғрисидаги илмий фикрлардир. Илмий ғоялар бир-биридан ўзининг теранлиги ва умумийлиги билан фарқ қилади. Айрим илмий ғоялар нарсаларнинг моҳиятини ифодаласа, бошқалари эса уларнинг ташқи томонларини акс эттиради. Масалан, ўсимликлар генларининг ўзгариши ва уларнинг ранги тўғрисидаги ғоялар шундай ғояларга мисол бўла олади. Ҳар қандай илмий ғоянинг мазмуни ва моҳияти йилдан-йилга янги маълумотлар билан бойиб ва кенгайиб боради.

Масалан, Қуёш нури тўғрисидаги илмий ғоялар йилдан-йилга янги маълумотлар билан бойиб теранлашиб бормоқда. Мозийда файласуфлар комил инсон тўғрисида теран фикрлар билдирган бўлсада, бироқ ҳозир жаҳон фалсафасида ундан ҳам теранроқ ғоялар яратилмоқда. Одатда, илмий ғоялар илмий фараз ва тахминлар сифатида яратилади, тажрибаларда синаб кўрилгандан ва назарий жиҳатдан асослангандан кейин ҳақиқий илмий ғояга айланади.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҒОЯ

Категория: Миллий ғоя ва мафкура – Ғоя турлари;

Муаллиф: Рўзимуродов С Айматов А

Инсоният тарихи шундан далолат берадики, қадим-қадимлардан бери одамзод доимо озодлик ва тенгликка, фаровон ва эркин ҳаёт кечирришга интилиб келган. Умуман олганда, одамлар бахтли бўлиши учун, улар албатта озод ва обод Ватанда яшаши, эркин ва фаровон ҳаёт кечирриши зарур. Бундай Ватанни барпо этиш ва бундай жамиятда яшаш учун, авваламбор, жамият, давлат ва инсон тўғрисида илмий-назарий билимлар яратилиши ва шу билимлар амалга оширилиши талаб қилинади.

Бу билимларни асосан ижтимоий-сиёсий маъно-мазмунга эга бўлган, жамиятни бошқариш, унда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, демократик тамойилларни ҳаётга жорий этиш, мулкий муносабатларни бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ўрнатиш, одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий эркинликларини таъминлаш, маданият ва

маънавиятни юксалтириш, комил инсонларни тарбиялаш ва бошқа муаммолар тўғрисидаги ғоялар ташкил қилади.

Озодлик тўғрисидаги ижтимоий-сиёсий ғоялар, қарамликда яшаган ва унинг азоб-уқубатларини бошдан ўтказган одамларнинг онгида шаклланиб боради. Ўз халқининг эрки ва Ватанининг озодлиги учун Широқни ўлимни писанд қилмасликка олиб келган ва Мангубердини, ҳатто муғул босқинчиларини ҳам ҳайратга солган, қаҳрамонликлар қилишга ундаган ғоялар ҳам ижтимоий-сиёсий ғоялар бўлган. Соҳибқирон Амир Темур барпо этган давлатнинг «Куч - адолатда» деган шиорининг том маъносини ҳам ижтимоий-сиёсий мазмунга эга бўлган ғоя ташкил қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов бу ғояга қўшимча қилиб, бугунги кунда жамиятимиз учун ўта зарур бўлган, янги ижтимоий-сиёсий ғоя сифатида - «Куч - билим ва тафаккурда» деган ғояни олдинга сурди.

Ижтимоий-сиёсий ғояларҳар бир халқ ва умуман, башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади. Озодлик ва мустақиллик, адолат ва ҳақиқат, тинчликсеварлик ва инсонпарварлик ғоялари шулар жумласидандир. Асрлар мобайнида бундай буюк, ўлмас ғоялар халқларга куч-қувват ва илҳом бағишлаб, уларни ўз эрки учун курашга сафарбар этиб келган.

Озодлик ғояси – мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, куллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир.

Мустақиллик ғояси - энг улуғ ва эзгу ғоя. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос бўлади, ўзи истаган ва ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Адолат ва ҳақиқат ғоялари – инсоннинг табиатини ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли кучга эга бўлган ғоялардир. Одамлар асрлар мобайнида одил жамиятни орзу қилиб, ҳақиқат тантанаси учун курашиб келган. Адолат бузилган ерда умидсизлик ва тушкунлик ҳукм суради. Адолат тантана қилган ерда жамият юксакликка кўтарилади.

Жамият, халқ ва давлатларнинг таназзулига сабаб бўлувчи, ғайриинсоний мақсадларга хизмат қилувчи вайронкор ғоялар сифатида эса – мустабидлик ва босқинчилик, террорчилик ва ақидапарастлик, жаҳолатпарастлик ва ирқчилик, миллатчилик ва маҳаллийчилик, ватансизлик ва ёвузлик ғоялари санаб ўтилади. Шунингдек, мафкуралар ҳам ижобий натижа берувчи бунёдкор мафкураларга ва салбий натижа берувчи вайронкор мафкураларга туркумлаштирилган. Прогрессив, либерал, тадрижий ва реал (амалий) мафкуралар ижобий натижа берувчи бунёдкор мафкуралар сифатида, регрессив, мустабид, инқилобий ва утопик (хаёлий) мафкуралар эса – салбий натижа берувчи вайронкор мафкуралар сифатида таснифланади.^[1]

[1]Қаранг: Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Изоҳли кўргазмали воситалар тўплами. -Т.: Янги аср авлоди, 2001,. –Б. 12-17.

Категория: Миллий ғоя ва мафкура – Ғоянинг намоён бўлишига кўра турлари;
Муаллиф: Исроилов Б

Sivilizasiyalar tarixida yovuz goya va vayronkor mafkuralarning vujudga kelishi sabab va ular dastidan kelib chiqadigan oqibatning naqadar daxshatli ekanini kurishimiz mumkin. Dunyouda, umuman xayotda oq-qora, yaxshilik va yomonlik kabi ham bunyodkorlik g'oyalar qatorida unga qarshi bulgan buzg'unchi va vayronkor g'oyalar ham mavjuddir.

Buzgunchi goyalar xalklar boshiga sungsiz kulfatlar keltirgan. Bunga olis va yakin tarixdan kuplab misollar keltirish mumkin. inson va jamiyat bor ekan, ezgu goyalarining ziddi bulgan zulm va zuravonlik, kaboxat va jaxolat yangi-yangi shakllarda namoyon bulishga urinadi. Vayronkor goyalarining mazmun-moxiyatini, maksad-muddoalarini bilish nixoyatda muximdir. Bu fukarolar, ayniksa yoshlar uchun buzgun goyalar xavfini anglash, uzlarida mafkuraviy immunitet xosil kilish uchun zarur bilmlarni egallashga yordam beradi.

Ushbu vayronkor goyalardan ba'zilarini korib utsak. XX asrning boshlarida mustabid goya va mafkuraning Fashizm shakli yuzaga keldi. (ital «fashio» - okim) Italiyada 1910 yildan «Milliy goya» deb nomlangan millatchilikni targib etuvchi jurnal chika boshlagan edi. Italiyada sobik sosiolist – Mussolini fashistik xarakatning asoschisi buldi. Germaniyada milliy sosiolistik partiya tuzgan Gitler fashizmni tamal toshini kuydi. Fashizm –irkiy dunyokarash. Nemis millati «oriy-Oliy irk» shu sabab olamga xukmronlik kilishga xakli, «kuyi irk» larni boshkarish xukuki tabiiydir ular xatto dini xam yordamcha chakirib, kurkitib, zurlab diniy fatvo xam olishadi. XIX asr Birlashgan Germaniyaning ilk Fyureri – Bismark: Fashizm goyasini asoschisi buladi u: «Buyuk davlatlar dunyoni bulib oldilar. Biz nemislar esa chetda koldik. Juda katta adolatsizlik ruy berdi. Shuning uchun dunyoni kaytadan bulib olmok lozimki, Germaniya xam uz ulushiga ega bulsin.» degan fikrlarni ilgari surgan edi. Gitler Bismark goyalarini davom ettirib uni amaliyotga oshirmokchi bulgan edi. XIX asrda Marks tomonidan urtaga tashlangan va XX asrga kelib vokea bulgan sosializm goyasi xam insoniyat boshiga keltirgan musibatlar bilan yovuz goyalar tarkibiga kiradi. Kizigi shundaki bir-biriga karama-karshi bulgan va bir-birini inkor etgan. Xamda ikkinchi jaxon urushimiz bir-biriga karshi kurashgan ikki subyekti Fashizm va sosializm mafkurasini uzaro takkoslaydigan bulsak, xayron kolarli darajadagi uxshashliklarni kuramiz.

Fashizm: Bolshevizm - irkchilik - umumiy tenlik - millatchilik - millat yukoladi, yagon «Sovet xalki» goyasi «Jaxon inkilobi» -dunyoga xukmronlik kilish - kitoblar (ma'naviy me'ros)ni yokish -Katagonlar -katagonlar -Konslagerlar -konslagerlar -yakka partiya - yakka partiyaviylik - yagona mafkura ustivorligi -yagona mafkura ustivorligi -shaxsga siginish - shaxsga siginish.

Mustabid va zuravonlikka asoslangan bu ikki mafkura ijtimoiy tarakkiyot konunlariga zidligi, tarakkiyotga zidligi tufayli xam uz-uzini inkor etdi va tarix saxnasidan ustivor mafkura makomini yukotib tushib ketdi. Siyosiy terrorizm: Farbiy Germaniyada «kizil armiya», Italiyada «kizil brigada guruxlari. Ispaniyada basklar tashkiloti, Olsterdagi «inkilobiy –xaloskorlin armiyasi», Perudagi «Porlok xayot» kabi terroristik gurux va birlashmalar. Mustabidlik – «yangi jamiyat», «yangi inson» goyasi. Xokimiyatni monopollashuvi –bitta partiya kulida tuplanishi. Partii davlat apparatiga usib chikadi. Jamiyatni davlat

<http://istiqlol.samdu.uz/uzc/article/207>